



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУКУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

### Islohot dovonlari

## КЕЛАЖАГИМИЗ МЕЗОНИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат иқтисодий тараққиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси юртдошларимиз томонидан қатъан мамнуният ва қизиқиш билан қўйиб олинди. Чунки мамлакатимизнинг ярим йиллик ҳаётини қамраб олган ушбу нутқда барча соҳалардаги ютуқ ва камчиликлар теярақ таҳлил этилган. Шунингдек, унда истиқболдаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилди. Мазкур нутқ ҳар бир соҳадаги камчиликларнинг очик-ошкор айтилгани ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам кўрсатиб ўтилгани билан янада муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода у ҳар бир соҳа вақили — ишчи, зиёли, деҳқон, тадбиркор — кенг ҳалқ оммаси учун дастурлашган вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Бу ўринда биргина қишлоқ ҳўжалиги соҳасига тааллуқли бўлган айрим масалалар ҳўсуида мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда биз, фермерларнинг дилидаги фикрларни илгартириш учун, — дейди жўззахлик фермер Юсуф Мирзаев. — Бу йил деҳқоннинг йили келди. Давлатга галла сотиш режасини олти билан удралади. Фермер ҳўжалигимизда ишлаётган барча ишчиларимизнинг ҳақини бердим. Ўзимга, бола-чакамга соф йўғирма тонна бўғдой қолди. Энг муҳими, уймага олиб келган бўғдойини ўзимники. Гапнинг тўғриси, деҳқонга меҳнатининг рохатини кўришдан олти бахт йўқ. Омбори донга тўлса, кўнгли ҳам тўқ бўлади. Жамоа ҳўжалигини, ширкат ҳўжалигини бўладими, раҳбарлар ваъдасида туриб, деҳқоннинг ҳақини ажратиб берса, у ҳеч қачон меҳнатдан қочмайди. Бу йил биргина мен эмас, туманимиздаги ўнлаб фермер, ҳўжаликчилари деҳқонлари ҳам ўн-йўғирма, хаттоки, ўттиз тонналаб бўғдойини уйларига олиб келиб тўқиди. Бу — давлат режасидан олтича қисм. Ўз еридан шундай фойда олиб турган деҳқон

ҳеч қачон ерни қаровсиз қолдирмайди.

— Меҳ ҳам фермерман, — дейди Жўззах вилояти, Мирзачўл туманидаги "Шўхсанам" фермер ҳўжалигининг раҳбари Эркин Юсулов. — Қирқ саккиз гектар ерим бор. Шўнинг йўғирма гектарига галла эккан эдим. Бўғунги кўнга қадар давлатга эллик беш тонна галла топшириб, зиммамдаги мажбуриятни бажардим. Мен ҳам уймага йўғирма тонна галла келтириб тўқдим. Биласизми, бўни кўриб отам нима дейди?! "Болам, бу кўнларнинг қадрига етинглар. Бўндан ўн-ўн беш йил аввал мана шундай даромад қиладиган бўлсанг, албатта, олиб бориб қамарди. Чўнки ўша даврда деҳқоннинг бой бўлиши сира мўмкин эмасди. Бўғун ҳалол ишлаб, бой бўладиган давр келди. Афсуски, умримиз далада ўтгани билан қосамиз оқаргани йўқ. Мана, бўғун баралла айтиш мўмкин: Деҳқоннинг, ҳалол ишлайдиган одамларнинг замони бўлди". Дарҳақиқат, бу кўнларнинг қадрига биз етмасак, ким етати?! Отам айтган кўнларни мен ҳам кўрганман. Кечаги шўро даврида энг бой деҳқоннинг оморидан нари борса икки, бориники, ўч қоп ўн еки галла топшириди. Бўғунгидай ўн-йўғирма тонналаб ҳосил жам-гаранлар бўлмаган.

Бу — бўғун ерга бўғун меҳрини бериб, мўл ҳосил етиштириётган, шўндан ўзи тўла баҳраманд бўлиб, эртанги кўнга ишонч билан қараётган олти деҳқонларнинг фикри. Шўндан келиб чиқиб, айтиш кераки, бўғунги деҳқон билан кечаги кўнги деҳқон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Эро, бўғунги кўннинг деҳқон пешона терини тўкиб, меҳнат қилиб, ҳаққи кўчада қилиб кетмаслигини, шў меҳнатни эвазига турмушига фойза-баракати киришини жуда яхши билади. Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди:

"Шўни аник айтиш мўмкини, бўғунги кўнда бепанди даладарда ризк-рўз ўндирётган деҳқон ва фермерларнинг фикри-зиكري



### Сўқоқ манзаралари

ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муносабати, умуман дўнйўкараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгасига, мўлқдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳсулотидаги эгасига айланмоқда. Қишлоқ жойларда юз бераётган ўзгартиришнинг асл маъно-моҳияти ҳам ана шўнда, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Шў муносабат билан биз, ҳаммамиз эски замондан сакланган келадиган бир қилпдаги, айтайлик, "Фалон туманининг деҳқонлари ва ҳўжаликчилари галла етиштириш бўйича давлат режасини муваффақият билан ада этди — мамлакат омборларига мана бўнча тонна галла топширилди" каби-лидаги сийқаси чиқиб кетган ифодалардан воз кечшимиз зарур".

Таъкидланганидек, деҳқон ернинг ҳақиқий эгасига айланмоқда бўлиши табиийки, эртанги фаровон ҳаётга мўстаҳкам замин яратди. Эро, ер ҳақиқий эгасини топса, у қўнтилган ҳосилни беради. Бўндан ташқари бўғун ҳақиқий деҳқонни алдаб бўлмайди. Қолаверса, алдаш билан ҳеч нар-

сага эришиб бўлмаслигини ҳам ҳар бир раҳбар яхши билиши керак. Мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтди:

"Бир нарсани чўқур англаб, қўлгонамизга қўйиб олишимиз даркор. Агарки, қайси ҳўжалик жорий мавсумда оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, ўзи учун келаси йил ҳосилини ва умуман истиқболнинг йўқотгани, деган тўшуна қатий қоидага айланиши керак.

Шў муносабат билан вилоят ва туманлардаги тадбиркорлар, биринчи галда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларини бажарилишини қаттиқ назорат қилиши керак. Токи ҳар бир оилавий пудратчи, ҳар бир фермер етиштирилган ҳосилдан ўз улўшини сўзсиз олсин.

Бу билан раҳбар — ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатли таъминлашга ҳизмат қилади, охир-оқибатда унинг одамлар ўртасида оёр-эйтибери ортади".

Кези келганда, шўни таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз ўзларининг ҳар бир нўткиларидан раҳбар ҳодим маънавияти,

унинг зиммасидаги масъулият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтадилар. Албатта, бўннинг зармида катта маъно-мазмўн мўжассам. Чўнки ҳар бир раҳбар, у қайси лавозимда ишлашадан қатъи назар, қўл остидаги раҳбарнинг ишончини қозонса, уларнинг гам-ташвиши, қўвончи шодлиги билан яшаса, ўша жойда иш, ҳеч шўбасиз, олдинга силжийди. Бўнга бўғунги ҳаётимиздан минглаб мисоллар келтириш мўмкини.

Шў билан бирга жойларда ҳали эскича фикрлашдан ҳалос бўлолмаган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устўн қўядиган баъзи раҳбарлар ҳам учраб туради. Шў ўринда тахир-риятимизга Жўззах вилояти Жўззах тумани "Мўстақилликнинг 10 йиллиги" фермерлар уюшмаси аъзоси, "Бобожон ота" фермер ҳўжалиги раҳбари Собир Бобожонов йўлдан хатти келтириб ўтиш ўринлидир.

"Мен 1998 йилда Жўззах туман ҳокимининг 28 ноябрдаги 610-қ-сонли қарори билан "Бобожон ота" номидаги фермер ҳўжалигини ташкил этдим, — деб эъзоди С. Бобожонов. — 1999 ва 2000 йилларда давлатга пахта ва гал-

ла сотиш режаларини удралади. Фақат 2001 йилга келиб, сув тақчиллиги ва об-ҳавонинг ноқўлай келиши сабабли давлатга пахта сотиш режасини бажара олмадим. 2001 йилда ҳам давлатга галла сотиш режасини 130 фўзга бажарганман.

Хали деҳқончиллик йили яқунланмасдан туриб, 2001 йилнинг 26 августда ҳўжалигимиз раҳбари Ҳасан Умаров умумий йўғилиш қачириб, фермер ҳўжалигимизга қарашли ернинг ҳўжалик иктивизига қайтарилди. 14 сонли қарор чиқарган ва унинг тасдигини туман ҳокимлигидан сўраган. Мен хаттоки умумий йўғилишга ҳам тақлиф қилинмаганман. Ҳўжалик раҳбарининг қарори бўлганда, туман ҳокими ҳам 2002 йилнинг 18 февралдаги 188-сонли қарор билан "Бобожон ота" фермер ҳўжалигига тегишли бўлган 20 гектар ер майдонини ширкат ҳўжалигига қайтариб олиб берди.

Менинг туман ҳокими ва ҳўжалик раҳбарига ўзимни ҳақлигимни исботлашга уришилларим бефойда кетди. Шўндан сўнг 2002 йилнинг март ойида вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилдим. Вилоят адлия бошқармаси ки-

ритган тақдимномага қўра, вилоят ҳўжалик суди ишни қўриб чиқди. Вилоят ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига қўра, туман ҳокимининг 188-сонли қарори ноқўнуний, деб топилди ва 20 гектар ер майдонини ўзининг ҳақиқий эгаси — "Бобожон ота" фермер ҳўжалигига қайтарилди.

Афсуски, туман ва ҳўжалик раҳбарлари вилоят ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини ҳамон тан олгилари келмапти. Ер майдонини қўнуний "Бобожон ота" фермер ҳўжалигига тегишли эканлиги маълум бўлишига қарамастан, маҳаллий раҳбарларимиз қўнун талабини бажаришни истамаптилар...

Кўришиб турибдики, соҳада ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам етарли. Бу эса ҳар бир фўқародан фидойиллик ва масъулият ҳўсини талаб этади. Эро, Юртбошимиз нўткида таъкидлаганидек, одамларнинг ташвиш ва оро-интилишлари билан яхши фаолиятимиз мезонига айлансин! Шўндагина кўзланган мақсадимизга эришамиз — келажак бўюк овоз қамият барпо этамиз.

Ислам ҲАМРО,  
"Инсон ва қонун" муҳбири



Президент Ислам Каримов 17 июль кўни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг федерал молия вазири Пол О'Нилии қабул қиладди.

18 июл кўни Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси бўлди. Мажлисда Президент Ислам Каримов маъруза қиладди.

Тошкентда "Ўзбеким" давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг "Ситик" компанияси вакиллари ўртасида Кўнғирот сода заводи қўрилишини тўғаллаш лойиҳаси бўйича шартнома имзоланди.

Миллий матбуот марказида "Матбуот хизматлари демократия ривожланишининг янги босқичида" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Марокаш қироли Мўхаммад II тўй ўтказиши муносабати билан 8425 нафар маҳбусни авф этиш тўғрисидаги фармойишга имзо чеқди.

Европа Иттифоқи Африка Иттифоқи ташкилотининг тузилгани кўлаб-қувватлади.

Шў кўнларда Япониянинг Сига университети ҳузурдаги касалхонада робот ҳамишира иш бошлади.

Россияда АҚШ мутахассислари билан ҳамкорликда фазозирларнинг Марсга учуши бўйича лойиҳа тайёрланмоқда.

### Tahlil ko'zgusi

## ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказилди. Сўровга иштирок этган тадбиркорларнинг 581 нафари (28,9%) яқна тартибда, 637 нафари (31,7%) кичик корхона, 377 нафари (18,8%) микрофирма, 185 нафари (9,2%) ўрта бизнес субъекти ва 229 нафари (11,4%) бошқа шаклдаги тадбиркорлик субъектлари вакилларидир.

Сўралган тадбиркорларнинг 1207 нафари (61,7%) давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтказилмаган. Масалан, уларнинг 630 нафари (32,2%) 1 ой, 339 нафари (17,3%) 2 ой, 133 нафари (6,8%) 3 ой, 61 нафари (3,1%) 6 ой, 18 нафари (0,9%) 1 йил, 26 нафари (1,3%) эса 1 йилдан ошмироқ муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган.

### ОЛТИНЧИ МАЪЛУМОТ

ҳақида банк тўлов ҳужжати, фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома, уч нўсхадан мўҳр ва штамп эскизлари. Аммо бўнга қарамай тўрачиллик қайфияти қўн-қонига сингиб кетган айрим раҳбарлар олтича ҳужжатлар талаб қилишдан воз кечгани йўқ.

Масалан, Яққасарой туман ҳокимлигида 2001 йил 28 августдаги 1082-сонли қарори билан "Базальт Яфат" жамоа корхонаси "Tezkor-Quillish" масъулияти чекланган жамиятининг низоми ўзгартирилиши муносабати билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилди, олтича равишда 27 нафар таъсисчиларнинг паспорт нўсхалари, асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳужжати, корхона фаолиятининг бухгалтерия ҳисоботлари, корхонани ҳўсуийлаштиришга доир тўлов ҳужжатлари, 97 нафар таъсисчиларнинг жамоа тарқибидан чиқиб ҳақидаги аризалари ҳамда топилмалар бюросидан маълумотномалар нўсхаси талаб қилинган. Шўндай ҳолатларнинг ҳокимлик томонидан қабул қилинган ўндан олтича қарорларда кўриш мўмкини.

Бўндан ташқари, туман ҳокимлигининг 2001 йил 25 июндаги 1-4/387-сонли хати билан "Алекс трейдинг" ҳўсуий ишлаб чиқариш фирмаси, "Ашмед" масъулияти чекланган жамияти, 2001 йил 24 июндаги 1-4/387-сонли хати билан "Полиспектр" масъулияти чекланган жамияти, "Техника" масъулияти чекланган жамияти, "Uromed" ҳўсуий фирмаси, 2001 йил 22 июндаги 1-4/332-сонли хати билан "Шош Транс" қўшма корхонаси, 2001 йил 17 майдаги 1-4/249-сонли хати билан "Мирта" қўшма корхонасидан, 2001 йил 18 майдаги 1-4/256-сонли хати билан "Sanida-Servis" масъулияти чекланган жамиятидан турли хил тадбирлар ва байрамларни ўтказиш учун хомий сифатида пул маблағларини ўтказиб бериш белгиланган.

Бўндан ташқари, сўров натижаларининг таҳлили тегишли идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни қабул қилишда белгиланган муддатларга риоя қилинмаётганлигини кўрсатмоқда. Жўмладан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 662 нафари 2 кўн, 528 нафари 3-5 кўн, 144 нафари 6-10 кўн ва 55 нафари 10 кўндан кўл муддатда ҳисобот топшириш учун вақт сарфлаганини билдиришган.

Шў билан бирга амалдаги қўнун ҳужжатларида қўрсатилмаган ҳисоботларни талаб қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Тошкент шаҳар туманлари меҳнат бўлимларига Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги "Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқарттириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори талабларига эид равишда кичик ва ўрта бизнес субъектларидан ҳисоботлар олиш ҳолатлари аниқланди. Жўмладан, Миробод туман меҳнат бўлими томонидан 2001 йил 1 чорак учун "ULFAT-BIZNES" ҳўсуий фирмаси, "Фозимжон", "Полиграф-сервис" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларидан "Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи Давлат жамгармаси"га ўтказилмаган ажратмалар бўйича ҳисобот олинган. Ишни шўндай ҳисоботлар 2001 йил 1 ва 2 чораклар учун Бектемир туман меҳнат бўлими томонидан "Тўлпор Аскар", "Маҳмуд сервис", "Юнус авто" ва Ҳамза туман меҳнат бўлими томонидан "Дегрес-Рўш", "Анормад" ҳўсуий фирмалари каби кичик ва ўрта бизнес субъектларидан олинган.

(Давоми иккинчи бетда.)

### Adliya tizimi

## АНДИЖОН

Вилоятнинг барча туман ва шаҳар ФХДЭ бўлимлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йили мобайнида 23.164 та ўлим ҳолати қайд этилиб, 2.880 та оталиқни белгилаш, 136 та фарзандликка олиш, 98 та насаб, исм ва ота исмини алмаштириш, 29 та далолатнома ёзувларини тиклаш ва 530 та далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш, қўшимча қилиш ҳаракатлари бажарилган.

Бажарилган ишлар учун фуқаролардан давлат фойдасига 8.047.952 сўм давлат божи, 6.283.192 сўм гөрб йўғини индирилди ва фуқароларга 8.908.930 сўмлик пуллик ҳўқуқий хизмат кўрсатилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида бажарилган ишлар ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда, туғилиш ҳолатларини қайд этиш 1.275 та, оталиқни белгилаш 47 та, фарзандликка олиш 22 тага ошгани маълум бўлди. Лекин инқонини қайд этиш 9 та, никоҳдан ажраганликни қайд этиш ҳолатлари 23 тага қамалган. Вилоятда ўтган 6 ой давомида йшни қисқарттириб никоҳ қилиш ҳолати учрамаган. Умуман олганда, жами бажарилган ҳаракатлар 1729 тага қўл бўлиб, давлат божи 2.521.183 сўм, гөрб йўғини 2.305.157 сўмга қўн индирилди, аҳолига 3.403.813 сўмлик пуллик ҳўқуқий хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида вилоятдаги давлат нотариал идоралари томонидан жами 35.864 та нотариал ҳаракатлар бажарилиб, давлат фойдасига 212.434.047 сўм давлат божи индирилди. Шўндан 42495711 сўм адлия бошқармасининг 20 фўзилек маҳсуус ҳисоб рақамига туширилган. Аҳолига 588068 сўмлик хизмат кўрсатилган. Ҳўсуий амалиёт билан шўғулланувчи нотариуслар томонидан эса, жами 14.320 та нотариал ҳаракат бажарилиб, тариф бўйича 163.722.312 сўм индирилган.

### Sharh

## ЮТҚАЗМАЙ ДЕСАНГИЗ, ШАРТНОМАНИ ПУХТА ТУЗИНГ!

Бошқа халқларни билмадигу, аммо биз — ўзбекларда "лафа", "ваъда" деган ажойиб сўзлар бор. Баъзан одамлар "лафа" қилинган, ваъда берганман, уни бажаришим керак", деб қўнлашади. Қисқа қилиб айтганда, ҳалол одамлар ўз сўзининг устидан ана шу тарзда қичишга ҳаракат қилишади. Акс ҳолда ҳар қандай одам оёбурсини йўқотиши, суботсиз, деган номга эга бўлиб қолиши мўмкини. Бўғунги кўнда корхона ва ташкилотлар, фирмалар-у, тадбиркорлар ҳам бир-бири билан ваъдалашиб, расмий айтидиган бўлса, шартнома асосида иш олиб беришмоқда. Чўнки шартнома ҳамкорлик қилдирган ики тараф — хоҳ у корхона, хоҳ фирма бўлсин — кўйиб ёки алдиниб қўлмаслиги учун маълум ваънода кафолат яратди. Риёқлиниш босқичида бўлган Ўзбекистонда ҳам айни пайтда шартнома асосида ишлашга қатта эътибор қаратилмоқда. Аммо "шартнома" деган сўзнинг маънавий, унинг аҳамиятини ҳамма ҳам бирдек тўшуниб еттиптими? Назаримизда, бу саволга "ҳаммаси зўр" дея жавоб бериб бўлмайди. Шўнинг учун ҳам қўйда бу борардан айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтсак.

Бўғунги кўнда қўнчиликдан шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган низолар қарда ҳал қилинади, деб сўрасангиз, дафъатан жавоб беришга қўнналиб қолди. Бу энг аввало, фўқароларимизнинг ҳўқуқий саводхонлик етарли эмаслигиндан далолатлар.

Шартнома алоҳида таъриф берадиган бўлсақ, шўни айтиш мўмкини, шартнома — бу ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишининг ҳўқуқий воситасидир. Шартнома тарафлар

қаратилиши лозим, деган савол туғилиши мўмкини. Биринчидан, шартномада қўрсатилган шартлар уни тузган тарафлар манфаатларига эид бўлмаслиги, амалдаги қўнун ҳўжатларига мў келиши, тарафлар манфаатларини ҳўқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши ва ўнда мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган жавобгарлик қоралари назарда тутилган бўлиши лозим. Аммо қўнчилик ишбу жиҳатларга етарли эътибор беришмайди. Натижада шартнома имзоланган, бахали ҳолатлар юзга келади. Шартнома тузаватганда шўшма-шўшарлик ёки билимсизлик қилган тараф бўндай ҳолатларда зарар қўради.

Айрим корхона раҳбарлари шартнома билан контрактнинг фарқига етиб боришмайди ва у нима тўғрисида тузилганлигини бошида кўрсатиб ўтмишмайди. Шартнома, олданда, маълум бир пушга эътибор бериш керак, унга нисбатан қандайдир аниқ (маълум) ҳаракатларни содир этишини тақозо этади. Масалан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, ижара ва бошқалар тарзида. Шўнинг учун шартномани тузишда, унинг аниқ бир турини белгилаш ва уни номда ифодалаш лозим.

Шартнома матнини тузишда қўнчилик туғириши учун тарафлар номлангани лозим. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида — "ижара берувчи" ёки "сотиб олувчи", ижара шартномасида — "ижарачи" ҳамда "ижара берувчи" ва ҳоказо. Чўнки тарафларнинг номланганлиги баъзи бир салбий оқибатларга олиб келиши, қўпгина чалқашликларни келиб чиқуши мўмкини.

(Давоми иккинчи бетда.)





СЎЗ ЮККИ

Til va qonun

Ўтган аср бошларида хорижа сафар қилган маърифатпарвар бобоимиз Махмудхўжа Бехбудий халқ онгини уйғотиш ва шакллантиришда матбуотнинг қудратли кучга эга эканини яхши англаган эди. Шу боис у сафарда чоғидаёқ ўз мамлакатига қайтган, маҳаллий халқ орасида миллий матбуотни янада қўлайтириш ва қўлайтиришни кўнглига тугий қўйганди. Айтиш жоизки, у максдаларини маълум даражада амалга оширди. Чунки Махмудхўжа Бехбудийнинг хатто ўз хисобидан газетаси нашр эттирган. Шу боис аслида бугунги матбуотимизнинг тамал тошлари XIX аср охирида қўйилган бўлса-да, унинг тараққийот босқичи XX аср бошларида юзага келганини таъкидлаш ўринлидир. Матбуотимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг дастлаб халқ онгини уйғотишга хизмат қилганини кўришимиз мумкин. 20-йиллардан бошлаб, то "кизил қўлчанка" ағдарилгунга қадар матбуотнинг эрки ҳар томонлама бўлиб, у батомом солиқ коммунистик мафкура манфаатига хизмат қилди. Бугунги дорилмом гунаҳларида эса матбуот аллақачон оқ-қорани таниган халқ онгини дунё тараққийоти билан ҳамнафас тарзда шакллантириш ҳамда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишнинг афзалликларини халқимиз шуғурига сингирдириш йўлида хизмат қилаётди.

Бунинг сабаби — айрим сўзларни нотўғри талаффуз қилиш ва айнан ўша талаффуз кўйича ёзиш ёки баъзи сўзларни тўғри ёза билмаслиқдир. Айниқса, бугунги кунда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этилганига анча вақт бўлган бўлса-да, сўзларнинг нотўғри ёзилиш ҳолларини кўча-кўйда (хатто айрим матбуот нашрларида ҳам) учратишимиз қийин эмас. Бу ҳақда сўз кетганда, "пештоқлар ёки рекламалар ёзувларида кичкина хаталар ўтган бўлса, ўтганлар, шунга ҳам ота-бурни — қозихонами?", деб айтадиганлар ҳам топилди. Бироқ ривожланиш, тараққиёт деган тушунчалар ҳам мавжудки, бу каби "кичик" лўнинг ана шу жараёнга тўсиқ бўлмаслигига ҳеч ким қаролат бера олмайди. Қолаверса, ҳар бир "катта"нинг "кичик"дан бошланганини унутмаслик лозим.

"EXPRESS" сўзи ҳақидадир. Чунки кирилл алифбосидаги "ЭКСПРЕСС" сўзининг лотин ёзувидаги шакли эса "EKSPESS" дея ёзилиши лозим эди. Ўша сўзнинг ҳозир ўқитганимиз шакли эса "ЭХП-РЕСС" тарзидадир. Ваҳоланки, бу сўз ҳеч қайси тилда ҳеч қандай маъно ағналмайдди. Нашр этила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган мазкур газетани мудат илгари газеталардан бирида мулоҳаза айтиб ўтилган. Лекин негадир газетани раҳбарияти-ю матбосиди идоралар бунга ҳамон эътибор қаратишмапти. Бизнинг назаримизда, улар бо яна айтаётганимиздек, "шу ҳам гапми?" деган қайфиятда юрган кўринишда, шекилли.

Экинчи яна бир нарсани айтиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Ҳозирги пайтда кўпгина газеталарнинг номлари лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ёзилмоқда. Табиийки, ҳар бир нашрда сана-у ҳозирнинг нечани марта чиқаётганини билдирувчи кўрсаткичи бўлади. Айнан ўшбу рақамларни ёзишда ҳам айрим ноқисиларга йўл қўйилмоқда. (Айрим марказий газеталарда ҳам бу ҳолат мавжудлигини айтиш жоиз). Вазирилар Махмасининг 1995 йил 24 августда чиқарган 339-сонли қарори асосида тасдиқланган "Ўзбек тилининг асосий илмо қондалари"нинг 56-қондаларида бу ҳақда шундай ёзилган: "Tartib soz arab raqamlari bilan yozilsa, -nchi qo'shimchasi o'rning chiziqcha (-) qo'yiladi: 7-sinf, 5-"A" sinfi, 3-, 7-, 8-sinf o'quvchilari, 60-yillar, 1991-yilning 1-sentabriga kabii..."

Умуман олганда, лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида нотўғри ёзилган сўзларнинг қайси манзилларда кўп учрашини ёзишдан ўзимизни тийдик. Чунки бундай ҳолатларни мамлакатимизнинг исталган бурчагидан топиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ҳар қандай ноқислик нафақат сўзнинг юқини, балки пешсуз, пештоқ ва манзилларнинг ёзилишига таътирлар ҳам бўлиши мумкин. Бундан қайси тарафга ҳамон эътибор қилинган бўлса, шундай бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий жамият қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқий онга ва билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат аҳамиятига молик бўлган бундай ислохотлар Хоразм вилоятида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кенг қамровли тадбирлар натижасида вилоятда катта мазмунга эга бўлган гивҳандлик, уюшган жиноятчилик, талончилик, товланчилик, диний ақидапарастлик каби ижтимоий ҳафли иллатлар сонининг камайишига эришилди. Бироқ жиноятчиликнинг ўғирлик, фирибгарлик, одамлар жонига қасд қилиш, безорилик, хизмат ва мансаб вазифаларини суистеъмол этиш, солиқ ва боқона қонунчилигини қўпол тарзда бузиш турлари тез-тез учраб турибди. Бу эса вилоятда ҳуқуқий маърифат ва қонунчилик масалаларини омма онига етказиш қандай аҳволда, деган саволни туғдириши шубҳасиз.

Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, вилоят адиля башқармаси ҳуқуқий тарғибот бўлими томонидан амалга оширилётган ишларни алоҳида таълиқлаш мумкин.

To'rtinchi hokimiyat

ли-туман учрашув ва мулоқотлар уюштирилмоқда. Лекин вилоят ижтимоий ҳаётида ўзига хос максадага эга бўлган "Хоразм ҳақиқати" газетасининг 2002 йилги сонларида ҳуқуқий маърифат тарғиботи мавзусига доир мақолалар деярли чоп этилмаган. Газета саҳифалари айрим жиний хатти-ҳаракатларни юзаки ва қуруқ баён қилишдан нари ўтмайдиған сабаб мақола ва хабарлар билан тўлиб-тошган. Шунингдек, қонунлар ижроси борасида амалга оширилётган тадбирлар ҳам газеталарда чала-чўлла ёритилмоқда. Вилоятнинг яна бир йирик газетаси — "Хорезмская правда" ҳам ҳуқуқий мавзунга деярли унутиб қўйганга ўхшайди. Йўқса, газета ярим йил давомида ушбу мавзуга бағишланган уч-тўрт мақола эълон қилиш билан кифояланганини нима дейсиз?

МАТБУОТ ОЙНАСИ

У ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ИФОДАЛАЙДИ



кейин, шаҳар ва туманлардаги нашрлар аҳоли қандай экани ҳақида хулоса чиқариш унчалик қийин эмас. Хусусан, "Гулран ҳаёти" туман газетасининг шу йил январ ойи сонидан чоп этилган "Истеъмолчи ҳуқуқини поймол этми?" сарлавхали мақолада келтирилган гўж-гўж рақамларни кўриб, очиги бунинг нимаси мақола экани, деган иштибоҳ кўнглидан кечди. Чунки мақолада рақамлар шу қадар кўп келтирилганки, улардан акли бир-иккитасини ҳам эслаб қолиш мумкин. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, йил бошида "Хива тонги" газетасида чоп этилган "Андижонлик қўевнинг саргузаштлари" номли мақола шу йилнинг апрел ойида "Хоразм" газетаси ҳам қайта чоп этган. Мақола қуруқ сўзлар тизимидан иборат эканини инобатга олсак, уни қўчириб босиш кимга даркор экан, деган савол туғилади.

Шерали НИШОНОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Таассуф

Ҳали кеч қирмаган пайтда катта тезликда келаятган "Нексия" русумли машина "Истиклол" кўчаси бўйида турган бир йўловчини уриб, оғир тан жароҳати етказган ҳолда воқеа жойидан қочиб кетди. Рўлда ўтирган ҳайдовчи маст ҳолда бўлгани билан бўлиб ўтган воқеа — қилган ишини яхши билган эди. Одамларнинг бақириб-чақирганига ҳам қулоқ солмасдан, ўзини кўриб-кўрмасликка олди. Тезкор қидирув натижасида бу ҳайдовчи Андижон туманидаги Исмомов номидаги ширкат ҳўжалигида яшаб, Тошкент шаҳрига қатнаб қирақашлик қилаётган Адҳам Ҳакимов эканлиги маълум бўлди. Бироқ у ўша кўни автомобилни маст ҳолда бошқаргани боис йўл назорати ходимларининг оғохлантиришига ҳам бўйсунмаган. Аксинча, катта тезликда келиб, ходимларнинг ҳаётига ҳам хавф солган ва қочибда давом этган. У тунги соат йигирма тўртлар чамаси уйда маст ҳолда ўтган жойидан уйғотилди.

Бу ўравоқ уни қидириб борган ички ишлар ходимларини ҳам ҳайдаб, ҳақоратлади, иззатнафосига тегди. Шундай бўлса-да, жиноят, иззатнафосига тегди. Шундай бўлса-да, жиноят, иззатнафосига тегди. Шундай бўлса-да, жиноят, иззатнафосига тегди.

Гўзалликнинг акси ҳам гўзал...



Инсон қисматининг баъзи кўринишларига дуч келганда ёқа ўшлаб, лол қолишдан ўзга чора қолмайди. Баъзи кишиларнинг ҳаёт йўли ақл кўзи билан кузатилиб, мушоҳада қилинса, қисмати уни дучор қилган барча воқеа ва ҳодисалар тасодифдан иборатдек бўлиб туюлади — худди бир сирли куч бу қисмати ҳаёт умониюга зарб билан улоқтирган-у, у таваккалгага отилган миттиқнинг даиди ўқидек ўз ҳаёти йўлидан бошқосиз ўчиб, қутилмаган жойларда ҳалокатли излар қолдириб ўтган. Шу боис унинг ҳаёт йўлида жиноят ва ёвузлик қолдирган қайғу ва мусибат изларини ўчратасан, ҳолос. Қашқадарё вилоятининг Котиб туманида туғилган Владимир Федорович Кузьминнинг ҳаёти ва қисмати бунга ёрқин мисол бўла олади. Зеро, унинг бағоят ёшидан кейинги ҳаёти кетма-кет содир этилаётган жиноятлардан иборат бўлиб қолди.

Маълумки, одатда жиноятларнинг кўпчилиги қисми ичкиликбозлик, қонунларни ҳурмат қилмаслик, майл ва истаклар тийқисизлиги, эзгуликка эътиқодсизлик, турмуш синовларига бардошсизликлар тўғрисида содир этилади. Владимир Кузьмин 26 ёшида бўлиб қолган жиноятчи ва талончилик жиноятини содир этти-да, Жиноят Кодексининг 127-моддаси 3-қисми билан айбонланди. Бахористон туман судининг ҳукми билан 11 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Бу жиноят тўғрисида у хотинидан ҳам ахралди.

Жазо муддатини ўтаётган В. Кузьминга инсонпарвар қонунчилигимиз имконият берди. У Қарши шаҳар су-

ДАЙДИ ЎҚ

дининг 2000 йил 5 январдаги ажрими билан жазони ўташ муддатидан 8 ой 17 кун олдин шартли равишда қамқондан озод қилинди. Энди В. Кузьмин ўз тақдирини изга тушириш ҳақида ўйлаб қуриши, турмуш қийинчиликларига матонат билан чидаб, ҳаётини қайта қуриши лозим эди. Лекин, у бундай қўллади, рўйхатдаги турой жойида яшамасдан, бирор жойда ишламай, ичкиликбозликка берилиб, тенгираб юраверди. Бундай яшаш узоқ давом этиши мумкин эмас — ароқ ички унун ҳам пул керак эди.

Владимир 2000 йил август ойида Бешкент шаҳарчасидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш хусусий корхонасига ишга ёлланди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Владимир корхонанинг эшигини очиб, корхона эгаси Азамат Шодиевнинг мулки бўлган 185000 сўмлик асбоб-ускуналарни ўғирлаб кетди. Табиийки, корхона эгаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Владимир эса терговдан яшириниб, дайиди юрди. У 2001 йилнинг март ойида Сурхондарё вилоятининг Сариев туманига қочиб келди.

Сариевда Владимир Баҳодир деган киши билан тил топишиб, унинг уйда уяси Баҳриддин билан танишди. Баҳриддин Владимирни ўзининг "Деҳқонбод" кишлоғида дала ховлисига олиб борди. Владимир унинг дала ховлисини кўриқлаб, айни чоғда Баҳриддин ва шу кишлоқдаги одамларнинг молларини боқиб, қонундан яшириниб яшай бошлади.

Воқеалар тизимиюга қараб, шу фожиянинг олдини олиш мумкин эдим, деган саволга беҳтиёр жавоб қилдира болайсан...

В. Кузьмин 2000 йил сентябр ойида қашқадарёлик тадбиркор Азамат Шодиевнинг мулкини ўғирлаб жиноят содир этган бўлиши қўйиб ярим йил Қашқадарё вилояти ҳудудида тенгираб юрди. Кейинчалик Сурхондарё вилоятида ҳам терговдан яшириниб қўйилди. Бу вақт мобайнида Владимир юзлаб одамлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг ишончини қозонган ва ҳуқуқ идора ходимларининг қўзғанд яшириниб юргани сир эмас. Бу ҳолни одамларнинг ўта ишонувчан-

Jinoyat va jazo

қотил қўлида ҳалок бўлиши... минг қарра мусибатлироқ! Жиний ишлар бўйича Сурхондарё вилоят суди 2002 йил 20 май куни чиқарган қарори билан Владимир Кузьмининг 20 йил муздатга озодликдан маҳрум қилиб, жазонинг дастлабки 3 йилини турмада, қолган жазо муддатини эса қамқон тартибидеги колонияда ўтатишни белгиллади. Инсоният ўзининг узоқ тарихида жамиятдаги ҳар бир шахсонинг ҳаёти дахлсиз бўлиши, уни муҳофаза қилиши зарур эканини англаб етган ва қонунлар яратиб, ҳаётга таъвоҳуз қилувчи қотилларга нисбатан жазо белгиллаган. Қадим-қадимлардан қотиллик оғир жазага лойиқ деб ҳисоблаган. Бундан бизнинг замонимиз ҳам мустасно эмас.

Владимир Кузьмин ҳам қилишига яраша жазо олди. Аммо унинг машъум жиноятдан бевақол ҳалок бўлган Шероздин қариндошлари юрагидан ўчмас доғ қолди.

Хулоса шунки, Шероздиннинг қотил ўқидан ҳалок бўлиши ҳеч қимми локайд қолдирмаслиги керак. Хар биримиз атрофимизда содир бўлаётган воқеалардан баҳардор бўлишимиз, атрофимиздаги одамларга эътибор билан қарашимиз, турмуш тарзи жиноятга айланган ва тийқисиз истаклари дайиди ўқидек бошқосиз бўлиб қолган қисмалардан бир-биримизни ҳимоя қилишни ўрганишимиз керак. Шундангина турмушимизда мусибатга ўрин қолмайди.

ЎЗ МУҲБИРИМИЗ

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ва "Ҳаёт ва қонун" ҳуқуқий журнали Бирлашган тахририят жамоаси Бирлашган тахририят Сурхондарё вилояти бўйича муҳбири Бахтиёр Оломуродов отаси БОЙСАРИ БОБОНИНГ вафот этганини муносабат билан чўқур таъзия изҳор этади.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ва "Ҳаёт ва қонун" ҳуқуқий журнали Бирлашган тахририят жамоаси Бирлашган тахририят Самарқанд вилояти бўйича муҳбири Абдуҳамид Худойбердиевга онаси Мамруда ая ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ вафот этганини муносабат билан ҳамдардик билдиради.

ДИЁНАТСИЗ ҲАЙДОВЧИ

қилиб, ичкилик ичиб, рулга маст ҳолатда ўтириб, бегуноқ пивдани ўлдирган ёки майиб-мажруҳ қилган ҳайдовчи қонун олдида жавоб беради, қилмишига яраша жазосини ҳақ олади. Лекин унда озгина инсоф ёки меҳр-оқибат ҳам йўқми? Пасткашлик ва тубанликка бориб, ўш тўғрисида қаттиқ тан жароҳати олган йўловчини қўнғанда қолдириб, жудфатан ростлаган ҳайдовчинини нима дейиш мумкин? Бу — ҳар кинининг виждонига ҳавола.

Илҳомжон ЭГМАНАЗАРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ВА ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
МУАССИС: 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
Баш муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОВ
Пўлат САМОТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шўхрат ФАЙЗИЕВ
Гафур АБДУМҲАМИДОВ
Ислом ҲАМРО
[Бош муҳаррир ўринбосари]
Холли НОРБЎЙ
Нормейли НОРПУЛАТОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифалан-ди. А-2 бинида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашрият матбаа ақшадарлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000. Босишга топириш вақти - 21.00. Топириш вақти - 22.30

Навбатчи: БОБОМУРОД РАЙИМОВ
Саҳифачовчи: ЖАҲҲАР ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: МАДИНА АБДУЛЛАЕВА, ДИЛНОЗА ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Тахририятга юборилган қўл ёзма ва фотоларга қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрисида унун масъулият муаллифлар зиммасидадир.